



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 23 » fevral

№ 95

Toshkent sh.

### **Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигидага сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигидага сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тадиқлансин:

сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича манзилли рўйхатларни шакллантириш тартиби;

пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби;

янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона хўжаликларида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби;

сувни тежайдиган суғориш технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назорат олиб бориш ҳамда ажратилган субсидияни қайтариш тартиби.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари:

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий этиш, ерларни лазер ускунали текислагичлар

билин текислаш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олиш бўйича туманлар (шаҳарлар) ва худудий манзилли рўйхатларни шакллантириш ҳамда ўз вақтида тасдиқлаш ва уларнинг ижросини ташкил этишга;

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш, ерларни лазер ускунали текислагичлар билан текислаш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олиш ишларини жойларда пухта ўрганиб, субсидия ажратилиши юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, пахта хом ашёси етиширишда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича эса Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилиб боришга;

б) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги – пахта хом ашёси етиширишда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидияларни белгиланган муддатларда талабгорларнинг ҳисобваракларига ўтказиб беришга;

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари, озуқабоп, мойли ва дуккакли экинлар ҳамда доривор ўсимликлар учун жорий этилган сувни тежайдиган суғориш технологияларига, ерларни лазер ускунали текислагичлар билан текислашга, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидияларни белгиланган муддатларда талабгорларнинг ҳисобваракларига ўтказиб беришга;

г) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги – янги интенсив боғ ва токзорларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидияларни ўз вақтида талабгорларнинг ҳисобваракларига ўтказиб беришга;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – ҳар йили Давлат бюджетининг асосий параметрларини шакллантиришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш, ерларни лазер ускунали текислагичлар билан текислаш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган субсидияларни назарда тутишга ҳамда белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идораларга ўтказиб беришга;

е) Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қишлоқ хўжалиги экинларини етиширища жорий этилган сувни тежайдиган технологияларидан ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби талаблари бажарилиши бўйича доимий назорат ўтказишга ҳамда натижаси бўйича ҳар чорак якуни билан Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб боришга масъулдир.

3. Сувни тежайдиган сувориш технологиясини жорий қилиб субсидия олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ушбу технологияни:

биринчи йил фойдаланмаса субсидиянинг 100 фоиз;

иккинчи йил фойдаланмаса субсидиянинг 80 фоиз;

учинчи йил фойдаланмаса субсидиянинг 60 фоиз;

тўртинчи йил фойдаланмаса субсидиянинг 40 фоиз;

бешинчи йил фойдаланмаса субсидиянинг 20 фоиз қисмини субсидия берган вазирлик ва идорага белгиланган тартибда қайтаради.

Агар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ушбу технологияни беш йил давомида тўлиқ фойдаланса берилган субсидия унда тўлиқ қолдирилади.

4. Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш жамғармаси томонидан истисно тариқасида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш истагини билдирган, бироқ кредит ёки бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг лойиҳалари бўйича компенсация берилиши таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил "23 "феврал даги 95 -сон қарорига  
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган  
технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини  
қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига (кейинги ўринларда – талабгорлар) пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар, мевали экинлар ва узум (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) этиштириш учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ҳамда берилган субсидияни қайтариш тартибини белгилайди.

Талабгорларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон қарори билан белгиланган субсидиялар миқдорига асосан қоплаб берилади.

2. Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари;

**интенсив боғ** – пакана ва ярим пакана пайвандтагларда этиштирилган кўчатларни зич схемада экиб, томчилатиб суғориш тизими асосида ташкил этилган боғ.

3. Сувни тежайдиган суғориш технологиясини жорий этиш, шунингдек, лазер ускунали ер текислагичлар билан текислаш ишларини бажариш харажатлари учун субсидия Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар бир контурга фақат бир марта ажратилади.

Бунда лазер ускунали ер текислагичлар билан текислаш ишларини бажариш харажатлари учун субсидиялар қўйидаги ҳолларда:

томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари билан биргаликда жорий қилинган майдонларга;

лазер қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларни Давлат бюджетидан субсидия ажратилган ҳолда сотиб олган талабгорларга;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларини лазер ускунали ер текислагичлар билан текислаш ишларини бажариш учун белгиланган тартибда шартнома расмийлаштиргмаган талабгорларга ажратилишига йўл қўйилмайди.

**4. Ушбу Низом талаблари:**

пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликларни етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологиялари 2021 йил ва ундан кейинги йилларда жорий этилган майдонларга, шунингдек, 2020 йил манзилли руйхатга киритилган ва технология жорий қилинган ҳамда субсидия берилмаган майдонларга;

мевали экинлар ва узум етиштириш учун 2019 йил ва ундан кейинги йилларда ташкил этилган янги интенсив боғ ва токзорларда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилган майдонларга;

2021 йил ва ундан кейинги йилларда лазер ускунали ер текислагичлар билан текисланган майдонларга тадбиқ этилади.

**5. Ушбу Низомга асосан сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган маблағлар ҳисоби тегишлилиги бўйича қўйидаги ташкилотларнинг маҳсус шахсий газна ҳисобварақларида юритилади ҳамда субсидиялар:**

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Сув хўжалиги вазирлиги) томонидан пахта етиштиришда жорий этилган томчилатиб суғориш технологиясига сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги) томонидан донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликларни етиштириш учун сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, лазер ускунали ер текислагичлар билан текислаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги томонидан мевали экинлар ва узум (саноатбоп усулда етиштириладиган техник навли узум плантациясидан ташқари) етиштириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентликлар) томонидан саноатбоп усулда етиштириладиган техник навли узум плантацияси учун жорий этилган сувни тежайдиган суғориш технологияларига сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун берилади.

## **2-боб. Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича манзилли рўйхатларни шакллантириш тартиби**

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлеклари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар доирасида ҳудудий ва туман (шаҳар) манзилли рўйхатларни шакллантиради ва тасдиқлади.

7. Ҳар бир туманда (Кувасой шаҳарда) туман (Кувасой шаҳар) ҳокимлиги (кейинги ўринларда – туман ҳокимлиги) томонидан Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман (Кувасой шаҳар) ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – туман ишчи гуруҳи) ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ намунавий таркибда тузилади.

Туман (Кувасой шаҳар) ирригация бўлими (кейинги ўринларда – туман ирригация бўлими) ишчи гурухнинг ишчи органи ҳисобланади.

8. Талабгорлар сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича манзилли рўйхатга киритиш тўғрисида ҳар календарь йилнинг **1 июлига қадар** туман ишчи гурухининг ишчи органига ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қиласи (ушбу Низомга 2-илова).

### **9. Туман ишчи гуруҳи:**

талабгорларнинг аризаларини қабул қиласи ҳамда уч иш кунида жойига чиқиб ўрганади, сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари ва уларнинг шарт-шароитлари, этиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларига мослиги, сув ва электр энергияси билан таъминланганлик даражаси, олдинги йиллар ушбу майдонларда сувни тежайдиган технологияларнинг жорий этилган ёки этилмаганлигини ва бошқа томонларини, шунингдек, талабгорларнинг молиявий ҳолатини ўрганади;

ўрганиш натижаси бўйича сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича туман манзилли рўйхатларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва сугориш технологиялари турлари, ҳудудлар ҳамда талабгорлар бўйича ер майдонлари ва контур рақамлари, сув манбаи, хизмат кўрсатувчи тижорат банклари номи кўрсатилган ҳолда шакллантиради.

Туман манзилли рўйхатлари туман ишчи гурухининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи гурухининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган туман манзилли рўйхатлари ҳар календарь йилнинг **10 июлига қадар** кўриб чиқиши ва умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хом ашёсини этиштиришда томчилатиб сугориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ ташкил

этилган Сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гурухга (кейинги ўринларда – ҳудудий ишчи гурух) белгиланган тартибда тақдим қилинади.

Туман манзилли рўйхатларининг тўғрилиги учун туман ишчи гурухи раҳбари ва аъзолари масъул ҳисобланади.

#### 10. Ҳудудий ишчи гуруҳ:

тақдим этилган туманлар манзилли рўйхатларини уч кун муддатда таҳлил қиласи, заруратга кўра талабгорларнинг таклифларини жойига чиқиб ўрганади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва сугориш технологиялари турлари, туманлар, ҳудудлар ҳамда талабгорлар бўйича ер майдонлари, сув манбаи, хизмат кўрсатувчи тијорат банклари номи кўрсатилган ҳолда ҳудудий манзилли рўйхатларни шакллантиради. Манзилли рўйхатлар ҳудудий ишчи гурухнинг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ҳудудий ишчи гурух раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатлар ҳар календарь йилнинг **15 июлига қадар** Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган тартибда тақдим қилинади.

Ҳудудий манзилли рўйхатларнинг тўғрилиги учун ҳудудий ишчи гурух раҳбари ва аъзолари масъул ҳисобланади.

11. Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги билан биргалиқда ҳудудий манзилли рўйхатларни белгиланган прогноз кўрсаткичларга мослигини таҳлил қиласи ва умумлаштиради ҳамда ҳар календарь йилнинг **20 июлига қадар** келгуси йилда сувни тежайдиган технологияларга субсидия ажратиш мақсадида бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қиласи.

12. Талабгорларнинг асосланган таклифлари бўйича туман манзилли рўйхатларига туман ҳокими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

#### **3-боб. Пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби**

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалиги экинларини этишириш учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплашга ажратиладиган маблағлар ҳисоби тегишлилиги бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда

Сув хўжалиги вазирлигининг махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

14. Пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар (кейинги ўринларда - қишлоқ хўжалиги экинлари) учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича қилган харажатларининг бир қисмини ушбу Низомга З-иловада келтирилган схемага мувофиқ қопланади.

15. Манзилли рўйхатларга киритилган талабгорлар пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар (кейинги ўринларда - қишлоқ хўжалиги экинлари) учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича қилган харажатларининг бир қисмини давлат бюджетидан қоплашга субсидия ажратилиши учун туман ишчи гуруҳига ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади (ушбу Низомга 4-илова).

Аризага сувни тежайдиган сувориш технологиясини қуриш бўйича пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси, лойиҳа ҳужжати ва қурилиш ишлари яқунланганлиги тўғрисидаги далолатнома (агар сувни тежайдиган технологияни ўз кучи ва имкониятлари орқали қурган бўлса, эҳтиёт қисмларни сотиб олиш билан боғлик харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади) илова қилинади.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилигига талабгорлар жавобгар ҳисобланади.

Талабгорлардан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

16. Ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим қилинганда, туман ишчи гуруҳи томонидан аризани қабул қилиш рад этилади.

17. Туман ишчи гуруҳи ариза тушган кундан эътиборан беш иш кунида:

талабгорнинг тасдиқланган манзилли рўйхатларда борлигини текширади;

талабгорлар ва пудрат ташкилотлари вакили иштирокида жорий қилинган сувни тежайдиган технологияларнинг тўлиқ ишлаш жараёнини жойида ўрганади;

технология сифатли қурилган, тўлиқ ишлаган ва белгиланган техник талабгорларга жавоб берса, субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан ушбу Низомга 5-иловада келтирилган намунага асосан тегишли хулоса тайёрлайди.

18. Ўрганиш натижаларига кўра сувни тежайдиган технологиялар талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ бўлмаганда,

сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда ёки аниқланган камчиликлар етти кун ичидә бартараф қилинмаган тақдирда, туман ишчи гурухи уч кун ичидә аниқ сабабларни күрсатган ҳолда талабгорга субсидия ажратилиши мақсадға мувофиқлиги юзасидан хulosса беришни рад этиш ҳақидаги қарорни қабул қиласы да бу ҳақида ёзма равища талабгорга маълум қиласы.

Талабгорлар туман ишчи гурухининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда, суд органларига шикоят қилиши мумкин.

19. Туман ишчи гурухи томонидан талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosалар умумлаштирилиб, рўйхат асосида ҳар ўн кунда ҳудудий ишчи гурухга кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда тақдим этилади.

20. Туман ишчи гурухи аъзолари талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosаларни расмийлаштиришда қуйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокими – ишчи гурух томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – лазер ускунали ер текислагичлар орқали текисланган майдонларнинг сифатига, субсидия ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва уларни мувофиқлаштиришга;

туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи – сувни тежайдиган технология жорий қилинган майдоннинг ўлчами, контур рақами ва экин турини аниқлашга;

туман ирригация бўлими бошлиғи – жорий қилинган технология тури ва унинг сифат кўрсаткичларини аниқлашга;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи – сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларда ушбу технологиялардан фойдаланиш юзасидан даврий равища назорат олиб боришга;

туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси – пудратчи ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларда фермер хўжаликлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга.

21. Ҳудудий ишчи гурух:

талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хulosаларни тушган кундан эътиборан уч иш куни ичидә уларни умумлаштиради ва таҳлил қиласы;

агар тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотларда камчилик аниқланса, жойига чиқсан ҳолда технологиянинг ишлаш жараёнини ўрганади;

ҳар ўн кунда субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатларини умумлаштириб, тегишлилигича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги кечи билан **1 декабрга қадар** тақдим этади.

**22. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:**

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича (пахта етиштиришда жорий қилинган сувни тежайдиган технология бўйича рўйхат бундан мустасно) тақдим этилган талабгорлар рўйхатларини улар тушган кундан бошлаб ўн кун ичida Сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда кўриб чиқади ва умумлаштиради (ушбу Низомга 4-илова);

якуний келишилган рўйхатларга мувофиқ талабгорларнинг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида уларнинг тижорат банклардаги ҳисобваракларига субсидияларни ўтказиб беради.

**23. Сув хўжалиги вазирлиги:**

пахта етиштириш учун жорий этилган сувни тежайдиган технологиялар бўйича тақдим этилган талабгорлар рўйхатларини улар тушган кундан бошлаб ўн кун ичida Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда кўриб чиқади ва умумлаштиради (ушбу Низомга 4-илова);

якуний келишилган рўйхатларга мувофиқ талабгорларнинг пахта етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобваракларига субсидияларни ўтказиб беради.

**4-боб. Янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона хўжаликларида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартиби**

24. Янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона хўжаликларида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисми ушбу Низомга 6-иловада келтирилган схемага мувофиқ қопланади.

25. Талабгорлар субсидия олиш учун томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ишлари ва бурғиланган қудук, шунингдек, насос станциясини қуриш ишлари якунлангандан сўнг Агентликларга ёзма ёки электрон шаклда қуидаги хужжатларни тақдим қиласди:

юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-хуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), сўралётган субсидиянинг мақсади, лойиҳани амалга ошириш жойи, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги 22626-максус ҳисобвараги кўрсатилган холда субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

томчилатиб суғориш технологияси учун субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги түғрисида (бурғыланган қудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув чиқариш учун насос станциялари барпо этилган бўлса, томчилатиб суғориш технологияси жорий этилгандан сўнг) туман ишчи гурухининг далолатномаси (хулосаси);

янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона хўжалигини ташкил этиш учун ер участкаси ажратилганлиги түғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясини қуриш бўйича пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси;

амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси; ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда лойиҳа түғрисида маълумот;

зарур ҳолларда, сувдан фойдаланиш мақсадида туташ ҳудудларда жойлашган, ҳар бирининг умумий майдони 35 гектардан ошмайдиган интенсив боғ, токзор ва иссиқхона хўжалиги барпо этаётган бир неча фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзаро келишув шартномаси нусхаси.

Аризадаги маълумотлар ва тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилигига талабгорлар жавобгар ҳисобланади.

Талабгорлардан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

Агентликлар талабгорларга тааллуқли бошқа маълумотларни туман ишчи гурухларидан талаб қилиб олади.

## 26. Агентликлар:

талабгорлар томонидан субсидиялар олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг етти иш кунида ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади;

тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 25-бандига мувофиқ бўлмаган, 2019 йилдан олдин ташкил қилинган, шунингдек, интенсив бўлмаган боғ ва токзорлар учун субсидиялар сўралганда талабгорларни бу ҳақида хабардор қиласди;

талабгорлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар Агентликлар томонидан хабардор қилгандан сўнг етти иш куни мобайнида бартараф қилинмаган тақдирда, ҳужжатларни талабгорларга қайтаради;

талабгорларнинг субсидиялар олиш бўйича ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган ҳужжатларини тегишлилигича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар бериш бўйича кенгашининг

(кейинги ўринларда - Кенгашлар) навбатдаги йиғилишларида кўриб чиқиши учун киритади.

27. Кенгашлар:

Агентликлар томонидан талабгорларнинг субсидиялар ажратиш юзасидан киритган ҳужжатларини (таклифларини) кўриб чиқади, субсидиялар ажратиш тўғрисида ёки ажратишни рад этиш тўғрисида тегишли қарорларни қабул қиласди ҳамда субсидиялар ажратиладиган талабгорларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

28. Кенгашларнинг субсидияларни ажратиш тўғрисидаги ижобий қарорлари Агентликлар ва талабгорлар ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномаларни расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Кенгашларнинг йиғилишлари камидан бир ойда бир марта ўтказилади.

29. Агентликлар:

Кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида талабгорларни бир кун мобайнида хабардор қиласди;

Кенгашлар томонидан субсидия бериш тўғрисида қабул қилинган қарорлар асосида уч иш кунида талабгорлар билан субсидиялар ажратиш тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштиради.

30. Субсидиялар Агентликлар ва талабгорлар ўртасида субсидия ажратиш тўғрисида шартномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган маҳсус 22626-ҳисобваракларига бир ой муддатда ажратилади.

31. Туман ишчи гурӯҳи талабгорлар томонидан амалга оширилган ишларни бевосита жойига чиқиб ўрганган ҳолда субсидия микдорини аниқлайди ва тегишли далолатномани (хуносани) расмийлаштиради.

Туман ишчи гурӯҳи раҳбари ва аъзолари тасдиқланган далолатномаларнинг ҳаққонийлигига масъул ҳисобланади.

32. Янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона барпо қилиш ишлари талабгорлар томонидан субсидия олингандан сўнг 12 ойдан ошмаган муддатда якунланиши лозим.

33. Агентликлар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирилиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари (кейинги ўринларда – туманлар қишлоқ хўжалиги бўлимлари) билан биргаликда беш йил мобайнида шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.

34. Агентликлар томонидан ушбу Низомнинг 33-банди талабларининг бузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, ажратилган субсидияларни Агентликларга қайтариш ҳақида талабгорларга ёзма хабарнома юборилади.

35. Талабгорлар ушбу хабарномаларни олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган субсидияни Агентликларнинг тегишли маҳсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

36. Талабгорлар ажратилган субсидияни белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, Агентликлар томонидан субсидияни суд тартибида ундириш чоралари кўрилади.

### **5-боб. Сувни тежайдиган сугориш технологияларидан фойдаланиш юзасидан назорат олиб бориш тартиби**

37. Сувни тежайдиган сугориш технологиясини жорий қилишда давлат бюджетидан субсидия олган талабгорлар сувни тежайдиган сугориш тизимидан 5 йилдан кам бўлмаган муддатда мақсадли ва самарали фойдаланишлари лозим.

Сувни тежайдиган сугориш технологияси жорий қилинган майдонга лойиҳада белгиланган экиндан бошқа экин жойлаштирилганда, ушбу экинни сугориша мавжуд сувни тежайдиган сугориш технологиясидан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда, унинг асосий қисмидан (сув тиндиргич, насос станцияси, фильтрлар, сувни етказувчи ва тақсимловчи кувур тармоғи ва бошқа асосий қисмларидан) фойдаланиш лозим бўлади.

Бунда мавжуд сувни тежайдиган сугориш технологиясини ишлатмай, анъанавий сугориш усулида (экин майдонида ўқ ариқ ва шох ариқлар олиб, эгат билан сугориш) сугоришга йўл қўйилмайди (шўр ювиш, яхоб ва нам суви бериш бундан мустасно).

Сувни тежайдиган сугориш технологияси экилган экинни сугориш учун эҳтиёж бўлмаганда, электр энергияси ва сув таъминотида узилишлар бўлганда, уни таъмирлаш даврида, шунингдек, бошқа форс-мажор ҳолатларда вақтинча тўхтатилиши мумкин.

38. Агар, жорий қилинган сувни тежайдиган сугориш технологияларидан сугориш мавсумида фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланса, ажратилган субсидия қуидагича тартибда қайтарилади:

- биринчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 100 фоизи;
- иккинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 80 фоизи;
- учинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 60 фоизи;
- тўртинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 40 фоизи;
- бешинчи йилдан фойдаланилмаса – субсидиянинг 20 фоизи.

39. Давлат бюджетидан субсидия олиб жорий қилинган сувни тежайдиган сугориш технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назорат туман ишчи групхи Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман

(Кувасой шаҳар) бўлими (кейинги ўринларда – Инспекциянинг туман бўлими) ҳамда жамоатчилик томонидан олиб борилади.

40. Туман ишчи гуруҳи экинларни сугориш мавсумида сувни тежайдиган сугориш технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан бир ойда камида бир марта назорат олиб боради.

41. Инспекциянинг туман бўлими сувни тежайдиган сугориш технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан назоратни иш режаси бўйича амалга оширади.

42. Жамоатчилик томонидан сувни тежайдиган сугориш тизимидан сугориш мавсумида фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланса бундай ҳолатлар видеотехника воситалари орқали қайд этилиши (ёзиб олиниши) ва икки кун муддатда туман ишчи гуруҳига тақдим қилиниши мумкин.

Бунда сувни тежайдиган технологиядан фойдаланиш ҳолати қайд этилган санаси, ҳудуд (фермер хўжалиги ёки кластер ташкилоти) номи, жорий қилинган майдондаги экин тури кўрсатилиши лозим.

Жамоатчилик томонидан юборилган маълумотларни тўғрилигига ушбу маълумотни юборган жисмоний шахс масъул ҳисобланади.

43. Туман ишчи гуруҳи жамоатчилик томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича келиб тушган видеоёзувларни қабул қилингандан сўнг уч иш куни мобайнида талабгорлар ёки уларнинг ваколатли ходими иштироқида ўрганади.

Агар сувни тежайдиган сугориш технологиясидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик ҳолати тасдиқланса, бу ҳақда туман ишчи гурухи тегишли далолатномани расмийлаштиради.

Далолатнома туман ишчи гуруҳини барча аъзолари томонидан имзоланади ва ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланади.

Жамоатчилик томонидан тақдим қилинган маълумотлар ўз тасдиғини топмаган тақдирда туман ишчи гуруҳи томонидан уч кун муддатда мурожаат қилган жисмоний шахсга ёзма маълумот тақдим қиласди.

44. Туман ишчи гуруҳи тузилган далолатномага мувофиқ талабгорга субсидиянинг ушбу Низомнинг 38-бандида белгиланган миқдорини субсидияни ажратган масъул идорага очиладиган шахсий ғазнаҳисобварағини кўрсатган ҳолда қайтариш тўғрисида огоҳлантириш хати беради.

Талабгорлар огоҳлантириш хатини олган қундан бошлаб бир ой давомида субсидияни ихтиёрий равишда қайтармаса ёки қайтаришни рад этса, субсидияни мажбурий ундириш масаласи суд тартибида ҳал қилинади. Бунда судга даъво аризаси тегишли туман ҳокимликлари томонидан киритилади. Даъво аризасини киритиш билан боғлиқ харажатлар (давлат божи) ундириладиган субсидиядан қопланади.

45. Талабгорлар томонидан қайтарилиган ёки суд тартибида ундирилган маблағлар масъул идоранинг шахсий ғазнахисобварагига келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида жамоатчилик томонидан сувни тежайдиган технологиялардан ўрнатилган тартибда фойдаланмаслик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни юборган шахслар пул мукофоти билан рағбатлантирилади ва қолган қисми тўлиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига қайтарилади.

Рағбатлантириш талабгорлардан ундирилган субсидиянинг беш фоизи микдорида бир йилда бир марта амалга оширилади. Пул мукофоти маълумотни тақдим қилган шахснинг банк картасига ўtkазиб берилади.

## **6-боб. Якунловчи қоидалар**

46. Ҳар йилги тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

47. Сув хўжалиги вазирлиги Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Агентликлар ҳамда ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда талабгорлар томонидан жорий қилинган сувни тежайдиган технологиялардан самарали фойдаланиш юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда юзага келган муаммоларни бартараф қилишда уларга ҳар томонлама кўмаклашади.

48. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун тақдим этилган субсидиялардан мақсадли фойдаланишини назорат қиласи.

49. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг  
сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича  
харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган  
субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Сувни тежайдиган технологияларини жорий этишга сарфланган  
харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга  
кўмаклашувчи туман ишчи гурухининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Туман ҳокими, *иичи гуруҳ раҳбари*
2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *иичи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари*
3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи
5. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаси  
раиси
4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан  
назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи
6. Туман ирригация бўлими бошлиғи, *иичи гуруҳ котиби.*

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисида низомга 2-илова

## Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича манзилли рўйхатларни шакллантириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгорлар	Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича манзилли рўйхатга киритиш тўғрисида туман ишчи гуруҳининг ишчи органига ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қиласиди.	Ҳар календарь йилининг 1 июляга қадар
2-босқич	Туман ишчи гурухи	<ol style="list-style-type: none"><li>Талабгорларнинг аризаларини қабул қиласди ҳамда жойига чиқиб ўрганади.</li><li>Ўрганиш натижаси бўйича сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича туман манзилли рўйхатларини шакллантиради.</li><li>Туман манзилли рўйхатлари туман ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи гуруҳининг раҳбари томонидан тасдиқланади.</li></ol> <p>Тасдиқланган туман манзилли рўйхатлари кўриб чиқиш ва умумлаштириш учун ҳудудий ишчи гуруҳга белгиланган тартибда тақдим қилинади.</p>	Уч иш кунида      Ҳар календарь йилининг 10 июляга қадар
3-босқич	Ҳудудий ишчи гурух	<ol style="list-style-type: none"><li>Тақдим этилган туманлар манзилли рўйхатларини тахлил қиласди, заруратга кўра талабгорларнинг таклифларини жойига чиқиб ўрганади ва ҳудудий манзилли рўйхатларни шакллантиради.</li><li>Манзилли рўйхатлар ҳудудий ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ҳудудий ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланади.</li></ol> <p>Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатлар Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган тартибда тақдим қилинади.</p>	Уч кун муддатда      ҳар календарь йилининг 10 июляга қадар Ҳар календарь йилининг 15 июляга қадар

**4-босқич**

Сув хўжалиги  
вазирлиги,  
Кишлоқ хўжалиги  
вазирлиги,  
Ўзбекистон  
фермер, дехқон  
хўжаликлари ва  
томурқа ер  
эгалари кенгаши,  
Агентликлар

Худудий манзилли рўйхатларни белгиланган прогноз кўрсаткичларга  
мослигини таҳлил қиласи ва умумлаштиради ҳамда келгуси йилда сувни  
тежайдиган технологияларга субсидия ажратиш мақсадида бюджет  
параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Молия вазирлигига  
тақдим қиласи.

Ҳар календарь  
йилнинг  
20 иулига қадар

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг  
сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича  
харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган  
субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

Сувни тежайдиган технологияларни  
жорий этишга сарфланган харажатларнинг  
бир қисмини қоплаш учун субсидия  
ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи  
гурӯхига

## АРИЗА

худудида фаолият кўрсатаётган  
(худуд номи)

туманда 20\_\_ йилда жами \_\_\_\_\_  
(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи)

гектар ер участкасида, жумладан, \_\_\_\_\_ рақамли контурдаги \_\_\_\_\_ гектар,  
ракамли контурдаги \_\_\_\_\_ гектар, \_\_\_\_\_ рақамли контурдаги \_\_\_\_\_ гектар  
майдонда \_\_\_\_\_ этишириш учун

(қишлоқ хўжалиги экин тўрининг номи)

технологияси жорий қилинди.

(сувни тежайдиган технологиянинг номи)

Пудрат ташкилоти номи \_\_\_\_\_.

Шартнома рақами ва суммаси \_\_\_\_\_.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон қарори асосида белгиланадиган субсидия ажратилишини сўрайман.

Хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи \_\_\_\_\_.

**Ушбу технологиядан камида 5 (беш) йил муддатга мақсадли ва самарали фойдаланишга кафолат бераман.**

*Тегишли ҳуёжсатлар илова қилинади.*

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси \_\_\_\_\_

(имзо)

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг  
сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича  
харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган  
субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор  
ўсимликлар учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш  
СХЕМАСИ**

**Босқичлар**

**Субъектлар**

1-босқич

Талабгорлар

**Чора-тадбирлар**

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича манзилли рўйхатга кирган талабгорлар субсидия ажратиш учун туман ишчи гурухига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қиласди.

**Муддатлар**

Сувни тежайдиган технологияларни  
жорий қилиши ишлари  
якунлангандан сўнг

2-босқич

Туман ишчи  
гуруҳи

1. Талабгорларнинг тасдиқланган манзилли рўйхатларда борлигини текширади.

2. Талабгорлар ва пудрат ташкилотлари вакили иштирокида жорий қилинган сувни тежайдиган технологияларнинг тўлик ишлаш жараёнини жойида ўрганади.

Технология сифатли қурилган, тўлик ишлаган ва белгиланган техник талабларга жавоб берса, субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан ушбу Низомга 5-иловада келтирилган намунага асосан тегишли хulosса тайёрлайди.

3. Сувни тежайдиган технологиялар талабгорлар томонидан тақдим этилган хужжатларга мувофиқ бўлмаганда, сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда ёки аниқланган камчиликлар етти кун ичида бартараф қилинмаган тақдирда, аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда талабгорга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хulosса беришни

Беш иш куни ичида

Уч иш куни ичида

Уч иш кунида

рад этиш ҳақидаги қарорни қабул қиласы да бу ҳақида ёзма  
равища талаборға маълум қиласы.

Талаборларга субсидия ажратиш түғрисидаги хulosалар  
умумлаштирилиб, рўйхат асосида ҳар ўн кунда ҳудудий ишчи  
гурухга кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда тақдим этилади.

Ҳар ўн кунда

3-босқич

Ҳудудий  
ишчи гурух

1. Талаборларга субсидия ажратиш түғрисидаги хulosаларни  
тушган кундан эътиборан уларни умумлаштиради ва таҳлил  
қиласы;

Агар тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган  
маълумотларда камчилик аниқланса, жойига чиқсан ҳолда  
технологиянинг ишлаш жараёнини ўрганади.

2. Субсидия оладиган талаборларнинг рўйхатларини  
умумлаштириб, тегишлилигича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
ҳамда Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

Уч иш куни ичида

Ҳар ўн кунда

1 декабрга қадар

4-босқич

Қишлоқ  
хўжалиги  
вазирлиги

1. Қишлоқ хўжалиги экинларини этиштириш учун сувни  
тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича (пахта  
етиштиришда жорий қилинган сувни тежайдиган технология  
бўйича рўйхат бундан мустасно) тақдим этилган талаборлар  
рўйхатларини Сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва  
чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон  
фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши  
 билан биргаликда кўриб чиқади ва умумлаштиради;

2. Якуний келишилган рўйхатларга мувофиқ талаборларнинг  
сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича  
харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида уларнинг  
тижорат банклардаги ҳисобварақларига субсидияларни ўтказиб  
беради.

Ўн кун ичида

4-босқич

Сув хўжалиги  
вазирлиги

1. Пахта етиштириш учун жорий этилган сувни тежайдиган технологиялар бўйича тақдим этилган талабгорлар рўйхатларини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаси билан биргаликда кўриб чиқади ва умумлаштиради.

2. Яқуний келишилган рўйхатларга мувофиқ талабгорларнинг пахта етиштириш учун томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида уларнинг тижорат банкларидағи ҳисобваракларига субсидияларни ўтказиб беради.

Ўн кун ичида

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг  
сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича  
харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган  
субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-илова

**“Тасдиқлайман”  
туман ҳокими, туман ишчи гурухи  
раҳбари**

(имзо)

(ф.и.о.)

**Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган  
харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга  
кўмаклашувчи туман (шаҳар) ишчи гурухининг  
ХУЛОСАСИ**

да қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун жорий  
(туман (шаҳар) номи)  
етилган сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга субсидия ажратиш  
бўйича туман (шаҳар) ишчи гурухи 2021 йил “\_\_\_\_\_” даги “\_\_\_\_\_” сон  
мурожаатини ўрганиб чиқди ва қўйидагилар  
(қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи номи)  
аниқланди:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчининг номи: \_\_\_\_\_

2. Экин тури: \_\_\_\_\_

3. Технология ишга туширилган ва фойдаланилган майдон (га): \_\_\_\_\_  
ракамли контурда \_\_\_\_\_ гектар, \_\_\_\_\_ ракамли контурда \_\_\_\_\_ гектар,  
ракамли контурда \_\_\_\_\_ гектар, жами \_\_\_\_\_ гектар.

4. Сувни тежайдиган технология тури: \_\_\_\_\_

5. Субсидияларнинг базавий ҳисоблаш миқдори: \_\_\_\_\_ млн сўм.

6. Сувни тежайдиган суғориш тизимларининг сифатлилик даражасини  
белгиловчи коэффициенти: \_\_\_\_\_.

7. Сувни тежайдиган технологияларни (лазерли текислашдан ташқари)  
жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган  
субсидиянинг миқдори (базавий ҳисоблаш миқдорини сифатлилик даражаси  
асосида белгиланадиган коэффициентга кўпайтириши орқали аниқланади): \_\_\_\_\_.

8. Пудрат ташкилот номи: \_\_\_\_\_.

9. Пудрат шартнома рақами: \_\_\_\_\_.

10. Тижорат банки номи: \_\_\_\_\_.

### ХУЛОСА:

(қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиши тирудининг номи)

жами \_\_\_\_ гектар майдон учун ушбу технологиядан камида беш йил фойдаланиш шарти билан Давлат бюджетидан \_\_\_\_\_ млн.сум субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

### Туман ишчи гурӯҳи аъзолари:

T/p	Фамилияси, исми, отасининг исми	Имзо	Лавозими
1.			Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
2.			Инспекциянинг туман бўлими бошлиғи
3.			Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
4.			Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
5.			Туман ирригация бўлими бошлиғи

Қишлоқ хұжалиги ишлаб чықарувчиларининг  
сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бүйича  
харажатларининг бир қисмими қоплаш ва берилган  
субсидияни қайтариш тартиби тұғрисидаги низомга  
6-илова

**Янги интенсив боғ, токзор ва иссиқхона хұжаликларида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган  
харажатларининг бир қисмими қоплаш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгорлар	<p>Субсидия олиш учун томчилатиб сүфориш технологияларини жорий этиш ишлари ва бурғиланган қудук, шунингдек, насос станциясини қуриш ишлари якунланғандан сүнг Агентликларга ёзма ёки электрон шактда тегишли хужжатларни тақдим қиласы.</p>	Томчилатиб сүфориш технологияларини жорий этиш ишлари ва бурғиланган қудук, шунингдек, насос станциясини қуриш ишлари якунланғандан сүнг
2-босқич	Агентликлар	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Талабгорлар томонидан субсидиялар олиш учун тақдим қилинадиган хужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади.</li><li>2. Тақдим қилингандар ушбу Низомнинг 25-бандига мувофиқ бўлмаган, 2019 йилдан олдин ташкил қилинган, шунингдек, интенсив бўлмаган боғ ва токзорлар учун субсидиялар сўралғандан талабгорларни бу хақида хабардор қиласы.</li><li>3. Талабгорлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар Агентликлар томонидан хабардор қилғандан сүнг етти иш куни мобайнида бартараф қилинмаган тақдирда, хужжатларни талабгорларга қайтаради.</li></ol>	Етти иш кунида

4. Талабгорларнинг субсидиялар олиш бўйича ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган хужжатларини тегишилигича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар бериш бўйича кенгашининг навбатдаги ийғилишларида кўриб чиқиш учун киритади.

3-босқич	Кенгашлар	Агентликлар томонидан талабгорларнинг субсидиялар ажратиши юзасидан киритган хужжатларини (таклифларини) кўриб чиқади, субсидиялар ажратиши тўғрисида ёки ажратишини рад этиш тўғрисида тегишли қарорларни қабул қиласди ҳамда субсидиялар ажратиладиган талабгорларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлади.	Бир ой ичида
4-босқич	Агентликлар	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида талабгорларни хабардор қиласди;</li><li>2. Кенгашлар томонидан субсидия бериш тўғрисида қабул қилинган қарорлар асосида талабгорлар билан субсидиялар ажратиши тўғрисида тегишли шартномаларни расмийлаштиради.</li><li>3. Агентликлар ва талабгорлар ўртасида субсидия ажратиши тўғрисида шартномалар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг субсидиялар хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган маҳсус 22626-ҳисобваракларига ажратилади.</li></ol>	<p>Бир кун ичида</p> <p>Уч иш куни ичида</p> <p>Бир ой муддатда</p>

5-босқич

Агентликлар

Агентликлар Қарақалпогистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда беш йил мобайнида шартномада қўрсатилган параметрлари бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради.

Беш йил  
мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “23” феврал даги 95-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорлариға киритилаётган  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 6-банди “б” кичик банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2019 йил ва ундан кейинги йилларда ташкил этилган янги интенсив боғ ва токзорларда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган лойиҳалар учун”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 ноябрдаги 952-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг олтинчи хатбошиси “15 фоизини” сўзларидан кейин “ҳамда сотиб олинган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизини” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 14-банднинг биринчи хатбошиси, 15-банднинг иккинчи хатбошиси ва 16-банднинг олтинчи хатбошисидаги “15 фоизи” сўзларидан кейин “ва лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 1-иловада “15 фоизи” сўзларидан кейин “ва лазерли қурилмага эга ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи” сўзлари билан тўлдирилсин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 5-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар техник навли узум плантацияларида томчилатиб

суғориш технологиясини жорий этиш ҳамда техник навли узум плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуклар, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув чиқариш учун насос станцияларини қуриш харажатларининг бир қисмини қоплашга йўналтирилади”;

б) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Жамғарма ҳисобига ажратиладиган ҳар йиллик субсидиялар ҳисобидан” сўzlари “Жамғарма маблағлари ҳисобидан” сўzlари билан алмаштирилсин.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “23” февралдаги 95-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарори.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 22 январдаги ПҚ-4569-сон, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4612-сон, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасига Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари-инвестициялар ва ташқи савдо вазири лавозимини киритиш тўғрисида” 2020 йил 10 мартағи ПҚ-4635-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги ПҚ-4710-сон қарорлари) 2020 йил 26 июндаги 411-сон қарорига 1-илованинг 72-банди.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарорига 2-илованинг 7-банди иккинчи хатбошиси ҳамда 4-илованинг 7-банди.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика худудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон қарори)” 2020 йил 12 майдаги ПҚ-4710-сон қарорлари) 2020 йил 15 декабрдаги 787-сон қарорига илованинг 2-банди.